Қонун лойиҳаси муҳокамада

# ТЕРРОРИЗМ - ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ОФАТИ

Сир эмас, терроризм жамиятда энг хавфли, энг мудҳиш жиноий ҳаракат сифатида умумбашар муаммоларидан бирига айланди. Террорчилар томонидан қилинган мудҳиш жиноятлар натижасида минглаб бегуноҳ одамлар завол топганлиги, машаққат билан бунёд этилган моддий-маънавий бойликлар йўқ қилингани, турли миллатлар тотувлигига раҳна солиниб, низолар, қуролли тўқнашувлар бўлганлиги ва айримлари давом этиб келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Террорчи ва уларнинг ҳомийлари қайси маслак ёки ташкилотга мансуб бўлмасин, пировард мақсади маълум ҳудудда, мамлакатда ҳокимиятни зўравонлик, таҳдид ва бошқа гумроҳлик билан қўлга олишдир. Зеро, “террор” сўзи лотинча “terror”, яъни қўрқув, ваҳима сўзидан олингандир.

Россияда, жумладан, Шимолий Кавказда, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардаги ҳодисалар таъсири ва замирида, ўтиш даври бўҳронларидан Ўзбекистонни ўзига хос, ўзига мос йўлини танлаб, ундан эсон-омон олиб чиқаётган Юртбошимизга нисбатан қилинган суиқасд, шу йил ёзида сарҳадларимизга қилинган тажовузлар ҳамда қотилликлар уларнинг асл ниятини фош этиб ташлади.

Бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда мутараққий давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, мамлакатимизда терроризмнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлигини янада оширувчи Қонун қабул қилиш эҳтиёжини ҳаёт тақозо этди.

Шу боис Олий Кенгашнинг II чақириқ учинчи сессиясида “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Лойиҳанинг 1-боби “Асосий қоидалар” деб номланган. Жиноят Кодекснинг жиноий ҳаракат — “терроризм”га бағишланган 155-моддаси қийматини пасайтирмасдан, шу моддага тааллуқли “терроризм” тушунчаси, моҳият-мазмуни ва белгиларини кенгроқ ойдинлаштирган, шарҳлаб берган ва шу билан бирга “гаровга ушлаб турилган шахс”, “террорчи”, “террорчилик ташкилоти”, “террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона”, “террорчилик фаолияти”, “террорчилик ҳаракати”, “халқаро терроризм”га ҳам тушунчалар берилган. “Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари” назарда тутилган 4-модда, “Террорчилик фаолиятининг олдини олиш” тўғрисидаги 5-моддада баён қилинган нормалар халқаро ҳуқуқ андозаларига мос бўлса, “Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш” деб аталувчи 6-модда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва жамиятнинг барча табақаларини бу мудҳиш бало-қазога қарши курашда фаол иштирок этишини акс эттирган.

Шу билан бирга, 2-моддадаги “терроризм” банди 6-қаторидан сўнгги жумла “...қўрқитиш... ёки ҳокимият органларининг террорчилар манфаатига мос бўлган қарорлар қабул қилишга ундаш, уларнинг ноқонуний мулкий ёки бошқа ғаразли мақсадларини қондириш учун амалга ошириладиган зўрлик ёки уни қўллаш таҳдиди, шунингдек, мол-мулк ва бошқа моддий бойликларни шикастлантириш (йўқ қилиш) ёки шундай қилиш таҳдиди, давлат, жамоат арбоби ёки масъул мансабдор шахснинг ҳаётига, ўз бурчини бажаришини тўхтатиш ёхуд бундай фаолияти учун ўч олиш мақсадида қилинган тажовуз; халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлати ваколлиги ёки ташкилот ходимига, мазкур шахсларнинг уй-жой, хизмат хоналарига ёки транспорт воситаларига уруш чиқариш учун ҳужум қилиш ҳамда халқаро муносабатларни чигаллаштириш мақсадида иғво қилиш, уюштириш” деб келтирилса маъқул бўлар эди.

Лойиҳадаги ҳокимият органларининг террорчиларга “фойдали бўлган қарорлар қабул қилишга таъсир ўтказиш” жумласини “ҳокимият органларининг террорчилар манфаатига мос бўлган қарорлар қабул қилишга ундаш”, деб ўзгартириш лозим, сабаб шуки “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китоби 2-томи 303-бетида “фойда” сўзига: “Бирор кимса ёки нарса учун бўладиган наф, манфаат” деб изоҳ берилса, шу китобнинг 1-томи 446-бетида “манфаат” сўзига: “моддий ёки маънавий, жисмоний ёки руҳий фойда, наф” деб шарҳ берилган. Менимча, террорчиларнинг жиноий ҳаракатида “манфаат” сўзи кенгроқ маънони ифодалайди. “...бошқа моддий объектларни яксон қилиш (шикастлантириш) ёки...” ўрнига “моддий бойликларни шикастлантириш (йўқ қилиш)” жумласи билан алмаштирилса, фикр равшанроқ бўлур эди.

“Террорчиликка қарши операция” бандининг учинчи қатори: “оқибатларини минималлаштириш” сўзи ўрнига “камайтириш” сўзи ишлатилса барчага тушунарли бўларди ва ундан сўнгги “...террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган махсус тадбирлар мажмуи” деб ўзгартириш лозим, яъни терроризмга қарши операция белгиланган тартибда келишилган ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши ўз-ўзидан аён.

Лойиҳанинг тили ҳақида Олий Мажлис депутати Аслиддин Болиевнинг “Халқ сўзи” газетасини 2000 йил 7 октябр сонида “Терроризмга қарши кураш — адолат учун курашдир” мақоласидаги фикрларни қувватлаб, қўшимча қилмоқчиманки “минималлаштириш”, “объект”, “категорияланган объектлар”, “зона”, “акватория”, “ижтимоий реабилитация” каби жумлаларни ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзлар билан алмаштириш имконияти бўлмаса, Қонуннинг охирги қисмида изоҳлаб бериш мумкин. Бироқ ўзбек тилининг бой ва ранг-баранг сўзларидан имкон қадар фойдаланиш тарафдориман.

“Террорчилик фаолияти” банди бешинчи қаторидаги “...террорчилик ташкилоти, террорчилик гуруҳини тузишдан...” жумлалари ўрнини алмаштириш лозим. Чунки аввало террорчилик гуруҳи, сўнг улар бирлашмасидан “террорчилик ташкилоти” вужудга келади.

“Террорчилик ҳаракати” банди биринчи қаторидаги “гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш...” жумласини давом эттириб: “давлат, жамоат арбоби ёки масъул мансабдор шахснинг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат, жамоат аҳамиятига молик моддий бойликларни ҳамда жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкини босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш...” деган сўз қўшиб, матнни давом эттириш ва ўн еттинчи қатордан сўнг “аҳоли ҳаётига, соғлигига суиқасд, бирон-бир ҳудудда техноген, экологик (экоцид) хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни...” деган сўзни қўшиб жумлани охиригача етказиш лозим.

“...Давлат ёки жамоат арбобининг” жумлаларига “масъул мансабдор шахс” жумласи киритишни таклиф қилишдан муддао шуки, узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда кейинги йилларда содир этилган террорчилик ҳаракатларида террорчилар нафақат давлат ва жамоат арбобларига, балки улар билан юзма-юз бўлиб, қақшатқич зарба бераётган давлат, ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳокимият вакиллари, масъул мансабдор шахсларни нобуд қилганлар.

Бундан ташқари, “Террорчилик ҳаракати” бандининг ўн еттинчи қаторида баён қилинган “жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулки” сўзларини шу банднинг олтинчи қаторига кўтариб, “давлат ёки жамоат аҳамиятига молик моддий бойликлар” жумласидан кейин давом эттириш керак. Зеро, Конституциямизнинг 53-моддасида “Давлат... барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”, деб таъкидланган.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини ҳисобга олиб, Конституцияда белгиланган ваколатли доирасида террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини тугатиш мақсадида ўзининг Фармони билан террорчиликка қарши кураш чегараларини белгилайди.

Террорчиликка қарши кураш бўйича штаб тузади, унинг таркиби ва бошлиғини тайинлайди. Республика штаби ва жойлардаги тезкор штабларнинг фаолият олиб бориш тартиби, шунингдек, уларни раҳбарлари ваколатлари мазкур қонуннинг 3 ва 4-моддалар талабларига изчил амал қилган ҳолда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган “Террорчиликка қарши операция ўтказиш бўйича Республика штаби ва жойлардаги тезкор штаблар тўғрисидаги вақтинчалик Низомда белгиланади” деб ёзилишини таклиф қиламан.

Лойиҳанинг 21-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги” атрофлича баён қилинган. Аммо аёнки террорчилик ҳаракати бир ҳудуд ёки мамлакат чегарасида содир бўлмаяпти ва шуни ҳисобга олиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва унинг тегишли органлари терроризм ва террорчиларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қанча қарорлар, таклифлар ва резолюциялар қабул қилган. АҚШ, Италия, Франция каби кўплаб мамлакатлар қонунларида нафақат ўз давлат органлари кучи билан, балки террорчилик ҳаракатига, хусусан, террорчиларга моддий-маънавий ва бошқа турда бевосита ёки билвосита кўмак бераётган давлат ва ташкилотларга нисбатан халқаро ҳуқуқ ва дипломатик нормалари доирасида ўз муносабатини билдиришини акс эттирган. Шу боис масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**А.ПРИМОВ,**
**адвокат,**
**ҳуқуқшунослик фанлари номзоди,**
**Самарқанд шаҳри**



**Бахмал туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 864 та ижтимоий шахслар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туришади. Уларга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яқиндан ёрдам бериб келишлари шу кунларда ўз самарасини кўрсатаяпти.**

**Суратда: (ўртада) жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Ҳайдаров хусусий тадбиркорлардан Жалол Остонов, Сайёра Зухуровалар билан ўзаро мулоқотда.**

**Нур МУҲАММАД олган сурат**

*Шахсий фикр*

# ПУХТА ВА МУКАММАЛ БЎЛСИН

Республикамиз Янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик жамият қурилишини тезлатиш ва мустаҳкамлаш, фуқаролар Конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий омил бўлади. Аввало, лойиҳа инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган, пухта ишланган ва мукаммаллиги билан ажралиб туради, дейиш мумкин.

Шу билан бирга баъзи фикрлар туғилмоқдаки, улар билан ўртоқлашмасдан бўлмайди. Жумладан, лойиҳанинг 3-боб 35-моддаси “Фуқаролик ишлари бўйича суд раислари ва судьялардан иборат бўлади” деган биринчи қисми “Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд раиси, раис ўринбосари (судья) ва судьялардан иборат бўлади” деб, шу модданинг иккинчи қисмини ҳам “Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раиси, раис ўринбосари (судья) ва судьялардан иборат бўлади” деб ўзгартириш лозимдир. Сабаби, аксари туман ва шаҳарларда фақат битта суд раиси (судьядан) иборат бўлиб, у меҳнат таътилида бўлса, бетоб бўлса, малака ошириш курсларида ўқишда бўлса ёки бошқа сабаблар билан ўз вазифасини узоқ вақт бажара олмаса, унинг иш юритувида бўлган ишлар бошқа туман ва шаҳарларда ўтказилади, бу билан жиноят (фуқаролик) ишлари унинг иштирокчилари овора-ю сарсон, кўрилиши эса чўзилиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳол одил судловни ўз вақтида амалга оширишда салбий рол ўйнайди.

Лойиҳанинг 62-моддаси 4-қисми ўзгартирилиб, “судьялар умрбод (нафақага чиққунларига қадар) сайланадилар ёки тайинланадилар, ўз фаолиятлари тўғрисида ҳар беш йилда олий малака ҳайъати олдида ҳисоб берадилар” деб кўрсатилса, судьялар масъулияти ошган, уларни қайта тайинлаш ва сайлаш учун ортиқча оворагарчиликлар, харажатларга ўрин қолмаган бўлар эди.

Лойиҳани ўрганаётиб, ушбу лойиҳа қабул қилиниши билан Жиноят-процессуал Кодексимизнинг 345-моддасини ҳам қайта кўриб чиқиш, ундаги дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлган жиноятлар кўлами кескин қисқартирилиши лозим, деган хулосага келдим.

Ёки Жиноят Кодексимизнинг 109-моддаси (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 122-моддаси (вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш) жиноятлари учун дастлабки тергов не даркор? Ахир, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди-ку! Шу боис Жиноят-процессуал Кодексининг 345-моддасида “оғир ва ўта оғир жиноятлар, шунингдек, суд ва прокурор зарур топган ҳолларда бошқа жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт” деб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Унча хавфли бўлмаган ва кам аҳамиятли жиноятлар бўйича зарарни қоплаш ёки товон тўлаш билан ишларни тугатиш тартиби белгиланиши керак. Масалан, шахсга енгил тан жароҳати ёхуд унча оғир бўлмаган тан жароҳати етказилганда маънавий ва моддий зарарни (товон) тўланса, жабрланувчи айбланувчини кечирса, шунингдек, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахс лозим суммани ўз ихтиёри билан тўласа, жиноят ишини суд томонидан тугатиш мумкинлиги алоҳида кўрсатилса маъқул бўларди.

Шунингдек, айбланувчи айбга иқрор ёки қисман иқрор бўлса, айбни қолган қисмини давлат айбловчиси қувватлашдан воз кечса, бошқа иштирокчилар суд тергови ўтказилишини талаб қилмаса, суд ҳукм чиқарилиши шартлиги кўрсатилиши лозим. Бу бошқа тараққий этган демократик мамлакатлар суд амалиётида мавжуд бўлиб, ишни кўришни енгиллаштирган, ортиқча вақт ва моддий сарф-харажатлардан суд холи бўлган бўларди.

**Тоҳиржон САЙДАҲМАТОВ,**
**Шаҳрихон туманлараро прокурори,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

*Қарор ва ижро*

# ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ғузор туман ҳокимлигининг ташаббуси билан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиш, жойларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан депутатлар, ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, корхона, ташкилот раҳбарлари, жамғармалар раислари иштирокида тез-тез мулоқотлар ҳамда жойларнинг ўзида фуқароларни қабул қилиш кунлари ўтказилаётир. Қишлоқ ва маҳаллалардан кўрсатилган депутатлар фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазаларини мувофиқлаштириб, тегишли ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда амалий фаолият кўрсатмоқда. Юзма-юз мулоқотлар эса мавжуд муаммони жойида бартараф этиш имконини бермоқда. Шу вақтга қадар бундай мулоқотлар Охунбобоев, Очил Кўчкинов, Мейли Раҳмонов, “Истиқлол”, “Батош”, “Гузар” номли жамоа хўжаликларида кўнгилдагидек ўтказилди.

Мулоқотларда “Миллий мафкура ва миллий ғоя”, “Соғлом авлод келажак пойдевори”, “Ёшлар тарбияси муаммолари”, “Диний ақидапарастликнинг олдини олиш”, “Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий давлат асоси” каби мавзуларда суҳбатлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот”, “Маҳалла” жамғармалари, сиёсий партиялар вакиллари пахта йиғимтеримида иштирок этаётган ҳашарчилар ҳузурида ҳуқуқий-маърифий, тарихий-сиёсий мавзуларда уюштирилаётган қизиқарли учрашувлар самарали бўлмоқда.

**Ғози РАҲМОН,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

***Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан вилоятда бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида бир қанча ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича бозорлар сони 58 та бўлиб, уларнинг ўнтаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ва биттаси бозорлар уюшмасига бирлаштирилган.***

# БОЗОРДАН БАРАКА КЎТАРИЛМАСИН

Вилоят солиқ идоралари томонидан 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида республика ҳукумати қарорларини бажариш юзасидан бозорларда жами ўн саккиз марта текшириш ўтказилиб, шунинг 17 тасида турли хил камчиликлар аниқланган. Хусусан, 4 ҳолатда паттачилар йиғилишда 0,4 минг сўм камомад, 1 ҳолатда 10,3 минг сўм ортиқча маблағ борлиги, 5070,2 минг сўм тегишли бюджетларга ўз вақтида ўтказилмагани, 9 ҳолатда стандарт кўригидан ўтмаган тош-тарозилардан фойдаланилгани аниқланиб, бозорларнинг 17 ходими маъмурий жавобгарликка тортилди ва улардан 41,3 минг сўм маъмурий жарима ундирилган.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни тан олиб айтиш лозимки, 1996 йилнинг 5 мартидан 2000 йилнинг 1 январига қадар вилоятда фаолият кўрсатган бозорларнинг, даромадларидан 50 фоизли ажратмалар бўйича, бюджетдан қарзи 8386,8 минг сўмни ташкил қилган. Бу қарзнинг асосий қисми, яъни 7188,6 минг сўми Навоий шаҳар “Саховат” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига, 397,5 минг сўми Хатирчи туманидаги “Буюк турон” ҳиссадорлик жамиятига тўғри келади. Ушбу қарзларнинг келиб чиқишига эса асосан, 1996-1998 йиллар мобайнида Навоий шаҳар ва Хатирчи тумани ҳокимликларининг даромадлардан бюджетга тегишли 50 фоизли ажратмаларни бозорлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги қарорлари сабаб бўлган. “Саховат”, “Буюк турон” бозорлари ҳозирги кунгача ҳам қарзларидан қутула олмаяптилар.

Шу йилнинг 29 июнидан 5 июлигача вилоятнинг Навоий шаҳар ва Хатирчи тумани деҳқон бозорларида мониторинг ўтказилди. Унга Республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган дастур асосида солиқ идоралари, Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда назорат тафтиш бош бошқармаси ходимлари жалб қилинди. Мониторинг ва бозорлар фаолиятини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди.

Хатирчи туманидаги “Буюк Турон” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хазинасига йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида ҳаммаси бўлиб 1429,0 минг сўм маблағ бозор даромадлари манбаларидан келиб тушган бўлса, шундан 1028,4 минг сўми банк муассасаларига топширилган. Қолган 400,6 минг сўм маблағ инкассация активи счетларига ёзилиб, бир йўла электр энергия, сув ва алоқа тармоқлари счетларига туширилган. Бу билан бозор маъмурияти “Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамидаги маблағларни ҳисобдан чиқариш тартиби” қонунини бузганлар.

Бозордаги мавжуд 156 та тарозининг 126 таси яроқли, холос. Тарози тошлари бор-йўғи 90 та. Ушбу фактлар “Буюк Турон” бозорида аҳвол аянчли эканини кўрсатади.

Навоий шаҳридаги “Саховат” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳам бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Савдо-сотиқ билан шуғулланувчи фуқароларнинг тош ва тарози билан таъминланиши талаб даражасида эмас, ўз маҳсулотларини сотиш учун келган деҳқонлар учун бозорда ётоқхона йўқ. Ҳиссадорлик жамиятига тегишли тарозиларнинг қирқтачаси яроқсиз ҳолатда. Эътироф этиш лозимки, “Саховат” ҳиссадорлик жамияти ва унинг таркибидаги марказий деҳқон бозорининг молиявий аҳволи таҳлил қилинганда, бозорнинг иқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарган.

Аудит хулосасига кўра, 1999 йил ҳиссадорлик жамияти томонидан 1,2 миллион сўм зарар билан якунланган бўлиб, 2000 йилнинг 1 январ ҳолатидаги кредитор қарзлар 16199,3 минг сўмни, жумладан, бюджет олдидаги қарзлар 7188,6 минг сўмни ташкил этган. Бундай иқтисодий танг аҳволдан қутулиш ва молиявий аҳволни соғломлаштириш мақсадида шу йилнинг феврал ойида жамиятнинг янги раиси сайланган. Янги сайланган раис масъул ходимларнинг аксариятини ишдан озод қилиб, ўрнига виждонан пок, ҳалол шахсларни ишга тайинлашга эришган. Натижада феврал ойининг ўзида бозорнинг умумий даромади январ ойига нисбатан 1,7 баробарга ошган.

Мониторинг ўтказилган кунларда марказий деҳқон бозорининг даромади 991,6 минг сўмни, бир кунлик ўртача даромади эса 141,7 минг сўмни ташкил этди. Ўтказилган ушбу мониторинг ҳар иккала бозорнинг ютуқ ва камчиликларини тўлиқ очиб берди. Шундан келиб чиқиб, июл ойидан бошлаб вилоят молия ва давлат солиқ бошқармаси томонидан барча шаҳар ва туман бозорларида мониторинг ўтказишга киришилди. Мониторинг натижалари тўғрисида унинг якуни билан вилоят ҳокимлигига батафсил ахборот берилмоқда.

**Учқун РАВШАНОВ,**
**Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи**



**Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида Мамаюсуф Шодмоновни кўпчилик тадбиркор ва саховатли инсон сифатида яхши танийди ҳамда ҳурмат қилади.**

**Юртбошимиз “Туркистон” газетасининг мухбири саволларига берган жавобларида, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик каби эзгу хусусиятлар борасида тўхталган эди. Биз яқинда Булунғур туманида бўлганимизда “Жонхўроз” фермер хўжалиги аъзоси М. Шодмонов ана шундай савоб йўлида 29-сон умумўрта мактабнинг янги биносини ва чойхона, дўкон, масжид қуриб берганлигининг гувоҳи бўлдик.**

**Мамаюсуф ака Шодмонов бир гектар теракзор, 2 сотих лимонзор барпо этган.**

**Суратда: 1. (чапдан) “Ипак йўли” ширкат хўжалиги бош мутахассиси Бахтиёр Ҳамроев ва Мамаюсуф Шодмонов лимонзорда. 2. М. Шодмонов маблағи ҳисобига барпо этилган мактаб биносининг ташқи кўриниши.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар**



*Бўлажак ҳуқуқшунос минбари*

# ИСЛОҲОТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишидаги ислоҳотларни жадаллаштиришда суд тизимининг алоҳида ўрни бор. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида, жумладан: “Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ қилиш керак”, деб таъкидлаган эди.

Судларнинг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида қонунга бўйсуниб фаолият юргизиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган вақтда демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бориш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилиш ҳамда қонунларни шу меъёрларга мослаштиришни ўз зиммасига олган эди. Шу нуқтаи назардан одил судловни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда 3 та асосий суд тизими мавжуд: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, хўжалик судлари ва умумий судлар.

Биз эътиборингизни умумий судларда мавжуд баъзи муаммоларга қаратмоқчимиз.

Судьяларни танлаш ва уларни лавозимига тавсия этиш масаласида ҳам қонунларимизда баъзи бир камчиликлар кўзга ташланади. Айни пайтда дунёнинг тараққий этган демократик ҳуқуқий давлатларида суд тизими учун кадрлар танлаш ва тавсия этиш, уларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш билан махсус мустақил идора фаолият кўрсатади ва бу идора бевосита Президентга бўйсунади.

Бизнинг назаримизда, барча судлар учун, яъни Конституциявий суд, умумий ва хўжалик судлари учун кадрлар заҳирасини ташкил этиш, уларни танлаш ва тавсия этишни амалга оширувчи махсус мустақил идора — Суд департаментини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу департаментга аъзо бўлиб таниқли ҳуқуқшунос олимлар билан бирга Республика Бош прокурори, Адлия вазири, Олий Суд раиси, Олий хўжалик суди раиси ва Конституциявий суд раиси кирсалар, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ўз ечимларини топарди, деб ўйлаймиз.

Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим жиҳати уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий таъминотини юқори даражага кўтариш зарурлигидир. Бу масала баъзи давлатларда шу даражада муҳимки, ҳатто у давлатларнинг конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган.

Албатта, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларни охирига етказиб, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга эришилади. Ислоҳотлар бевосита одил судловнинг моҳиятига тегишли бўлганда, кутилган натижаларга эришиш мумкин.

**Неъмат ХАТТОБОВ,**
**ТДЮИ 2-курс талабаси**

***Эски тузум даврида халқ депутатлари ўз сайловчиларидан турли хил “наказ”лар қабул қилишар, уларни қай даражада бажарганликлари хусусида вақти-вақти билан номига бўлса-да, ҳисоб беришарди. Аслида эса ўзини иймон-эътиқодли ҳисоблаган юртнинг ҳар бир фуқароси шу ватан озодлиги ва ободлигига қай даражада ҳисса қўшдим, деб ҳисоб бермоғи лозим. Алалхусус, “Инсон ва қонун”нинг ҳам келгуси йил учун “сайланадиган” вақти келди. Хўш, севимли газетамиз сурхондарёлик ҳамюртларига қай даражада хизмат қилди? Албатта, қилинган ҳар бир ишни бирваракайига санаб ёзишга вақт ҳам, имкон ҳам камёб. Бироқ асосийларига тўхталиб ўтсак бўлади.***

# БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!

## ёки 2000 йилда “Инсон ва қонун” сурхондарёлик мухлису муштарийларига қандай кўмак берди?

“Инсон ва қонун”нинг вилоятдаги мухбирлик пунктига 97 та шикоят келиб тушди. Бундан ташқари еттита шикоят Бирлашган таҳририятдан юборилди. Шикоятларнинг асосий қисми ҳуқуқий ҳимоя истаб ёзган фуқаролардан. Инсон табиатига хос бўлган хислатлардан бири шуки, одам боласи бирор нарсага муҳтожлик сезса, кўмак сўраб эшиги, қўли ва чеҳраси очиқ кишиларнинг ҳузурига боради. Шу боисми, бизга келган шикоятлар кўп ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда ҳокимликларга тегишли бўлиб чиқаяпти. Ҳаттоки, томорқа олишда кўмак беришимизни сўраб хат ёзган бир нечта (қумқўрғонлик) фуқароларнинг шикоятларини ижобий ҳал этдик. 1999-2000 йилларда кучли эътибор қаратган мавзуларимиздан яна бири ҳайвонлари қирилиб бораётган Термиз ҳайвонот боғи муаммолари бўлди.

Катта шов-шувга сабаб бўлган “Забонсиз тутқунлар” мақоласи эсингиздадир. Биз ўтган икки йилда бу мавзуга бот-бот қайтавердик. Мақсадимиз, на эрки, на инсон тушунадиган тилу забони, на “адвокати” бўлган тутқун ҳайвонларнинг холис ҳимоячиси бўлиш эди.

Хайриятки, айни чоғда Сурхондарё вилоятининг янги ҳокими Б.Олимхонов Термиз ҳайвонот боғига алоҳида эътибор билан қараяпти. Демак, умид қиламизки, ҳайвонот боғи яқин вақт ичида мафтункор гўшалардан бирига айланади.

2000 йилда таҳририятимизга шикоят йўллаган олти нафар фуқаронинг асоссиз ишдан бўшатилганлиги аниқланиб, уларга ҳуқуқий кўмак бердик. Ҳатто собиқ бошлиғининг зуғуми туфайли ишдан кетказилиб, узоқ вақт ишсиз, моддий ва маънавий жиҳатдан қийналиб юрган аёл — Юлдуз Курбонова вилоят халқ таълими бошқармасидаги ўз вазифасига тикланиб, суд қарорига кўра бекор юрган вақти учун 45000 сўм миқдоридаги моддий зарарни жавобгар томондан ундириб олишга эришди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган обуна мавсумидан ҳозирга қадар “Инсон ва қонун”дан ранжиган бўлса, танқидий мақолаларимиз “қамчи”сидан кифти ачишган айрим раҳбарлар, бугуннинг нафаси билан яшай олмаётган, Ватан деганда шахсий омбори-ю, ошқозонинигина тасаввур қиладиган қонунбузарларгина ранжигандир, аммо... остонамиздан ҳеч бир мўмин банданинг боши эгилиб норизо бўлиб кетган эмас.

Савоб ишларимизга яна бир мисол: шу йилнинг 12 сентябрида “Ижарачилар доғда қолишди” сарлавҳаси остида танқидий мақола эълон қилгандик. Унда “ёки олтинсойчасига муносабат” деган тагсарлавҳа ҳам бўлиб, асосан узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган “Шакарқамиш” ширкат хўжаликлари уюшмасидаги 76 гектар токзорларни ижарага олган соҳибкорлардан узумзорлар тортиб олинганлиги-ю, ижарачиларнинг арзу додларига на туман ва на вилоятда ҳеч ким қулоқ солмаётганлиги хусусида рўй-рост, очиқ ёзилганди. Бу ҳақда 40 нафар боғбоннинг пойтахтдаги ўнлаб маҳкамаларга ҳам арзномалару шошилинчномалар юбориб, ҳеч бир натижа кўришмаганлиги бор гап. Мақоламиз самараси ўлароқ, ҳақ-ҳуқуқлари топталган аксарият ижарачилар хўжалик раҳбарияти тортиб олган токзорларига тағин эга бўлдилар. Аммо не ажабки, тағин беш-ўн нафар шикоятчи эшик қоқиб келишди: “Жанг қурбонсиз бўлмас” деганларидек, “Шакарқамиш” ширкат хўжалиги раҳбари Абдухолиқ Қосимов “сенлар иғвонинг бошида тургансанлар” деб бизларни токзорсиз қолдирди. Биз адолат учун бўлган курашнинг қурбонлари бўлдикми энди?

Афсус, минг афсус... Раис ҳам, Олтинсойнинг каттаконлари ҳам мақоламизга юзаки муносабатда бўлишгани кўриниб турибди. Акс ҳолда унинг асосий қаҳрамонларидан бири - меҳнаткашларнинг норозиликларига кўпроқ сабабчи бўлган тафтиш комиссияси раиси Тоштемир Маматовга “муносиб баҳо” берилиши керак эди. Норозиликларнинг яна бир сабаби шуки, вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг биридан мақолада баён этилган ҳолатларни ўрганиш учун борган ходимлар, арзномачилардан бир нечтасини ўзлари истаган тарзда “даъвоим қондирилди” қабилида хат ёздириб ҳам олибди. Ўйлаймизки, Олтинсой туман прокуратураси, ўзи қонунлр ижросини назорат қилаётган ҳудудда адолат мезонини ростлаш учун куч ва имконият топа олади.

“...Мен Жўраева Муҳаббат, ёшим 42 да. Термиз шаҳрида яшайман. Тақдир тақозоси билан амакимнинг ўғлига турмушга чиқдим. Эрим ва мен бир-бирига ҳамсоя бўлган ака-укаларнинг фарзандлари эдик. Қисмат экан, бир нечта фарзандли бўлиб, турмушимиз бузилди. Эрим бошқа аёлга уйланиб кетди. Ҳамсоямиз бўлган қайнотамнинг ҳовлисидаги уйимда болаларим билан қолиш мен учун ҳам ўнғайсиз, ҳам хатарли эди. Чунки амакимга болаларим невара бўлгани билан энди мен уларга келин, ўғлига хотин бўлолмасдим. Шу сабаб бир девор наридаги ота-онамнинг уйига кўчиб ўтдим. Гўё шуни пойлаб туришгандек, қайноғам ва овсиним уйимни гўё “ўзлариники” қилиб олишди. 1987 йилдан буён ўзимга тегишли бўлган, қайнота-қайнонамнинг ҳовлисидаги уй-жой ва мулкни қонун йўли билан қайтариб оламан деб судлашиб юрибман. Бир ҳудуддаги суд менинг даъвоимни асосли деб топиб, фойдамга қарор чиқарса, яна бири бекор қилади. Яна бири эса

### *Сарҳисоб*

қарор чиқаришга чиқаради-ю, ижрони атайлаб пайсалга солади. Чарчадим. Орадан 13 йил ўтди ҳамки, менинг уйталаш, мулкталаш муаммоларим ҳал бўлмади. Бу орада отам вафот этди. Унинг ўлими ҳам жигари, укаси бўлган қайнотамнинг, қайноғамнинг кўнглини юмшатмади. Дунёда одамларда инсоф, меҳр, адолат деган ноёб жаннатий туйғулар мавжудлигига умидим қолмаганди, ҳисоб. Аммо... чиқмаган жондан умид деганларидек, “Инсон ва қонун”га арз қилгандим... Газетанинг мухбири ва вилоят суди судьяси Эргаш Ғаффоровларнинг беғараз кўмаги билан 13 йиллик низоли муаммом ҳал этилди. Қайноғам ва овсиним мендан олиб қўйилган уй эвазига менга шаҳар марказидаги 3-хонали хусусийлаштирилган квартираларини беришди. Бунинг учун Бирлашган таҳририятга мингдан-минг ташаккур дейман!”

Биз яна кўплаб хайрли ва савоб ишларимизга тўхталмаяпмиз. Қилинган хайру эҳсон, яхшиликларни кўз-кўз этиш маъқул эмас десангиз, сўзсиз фикрингизга қўшиламиз. Миннат мард кишининг иши эмас, албатта. Аммо бир гапнинг дангалини айтсак, тушунарсиз деб ўйлайман. Энг долзарб мавсум - обуна бошланиб кетди. Жумладан, “Инсон ва қонун” ҳам ўз муштарийлари, мухлисларини изламоқда, чорламоқда. Бизнинг ниятимиз холис. Аввалабор, шунчаки мухлисимиз, ўқувчимиз бўлиб қолинг. Аммо буни ҳаёт дейдилар. Борди-ю, ҳуқуқий низоларга рўбарў келиб қолсангизу ҳамроҳга эҳтиёж сезсангиз, “Инсон ва қонун” хизматингизга ҳамиша ҳозир!

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**“Ҳаёт ва қонун” юридик журнали ҳамда “Инсон ва қонун” ҳуқуқ газетаси Бирлашган таҳририятининг махсус мухбири**

Обуна-2001

## БЎЛАЙ ДЕСАНГ ҲАР ДОИМ МАМНУН, ҲАМРОҲ БЎЛСИН “ИНСОН ВА ҚОНУН”!

**Муҳтарам муштарий!**

***Ҳар қадамингизда қонунга, ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда Сизга яқин ёрдамчи, маслаҳатчи ва таянч бўладиган, республикамизда ягона — ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газета “Инсон ва қонун”дир.***

***Унга барча алоқа бўлимлари ва шахобчаларида обуна давом этаяпти.***

**Нашр кўрсаткичи:**
**якка обуначилар учун - 137**
**ташкилотлар учун - 138**

## ҲАЁТда ҚОНУН ҲИМОЯ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

***Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шаклланишида энг яқин дўстингиз “Ҳаёт ва қонун” юридик журналига 2001 йил учун обуна бўлинг!***

***“Ҳаёт ва қонун” ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!***

**Нашр кўрсаткичи:**
**якка обуначилар учун - 902**
**ташкилотлар учун - 903**

*Акс-садо*

## «БОЙҚУШ»

“Инсон ва қонун” газетасининг шу йил 3 октябр сонида босилган “Бойқуш” мақоласини катта қизиқиш билан ўқидим. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир қуш ўзига хос хислатларга эга.

Мен 30 йилдан ортиқ суд, прокуратура ва 10 йилдан бери нотариал идораларида ишлаб келаман. Одамлар билан мулоқотда бўлганимда юлдуз буржларида туғилган кишиларни китобда ёзилган ҳолатларига тўғри келишини бир неча бор кузатганман. Баъзиларнинг юз тузилишига қараб, қачон, яъни қайси бурж остида туғилганини айтиб беришим мумкин?

21 апрел ва 21 май оралиғида Сигир буржида туғилган одамлар билан кўп мулоқот қилганман. Улар қўлида юқоридан пастга қараган чизиқлар бўлиб, кўпроқ санъатга қизиқадилар. Шу буржда туғилганларнинг кўпи кечаси ишлаб, кундузи дам олишни яхши кўришади. Кўзлари бошқаларникига қараганда каттароқлиги билан фарқланади. Улар билан мулоқотда бўлганимда шаҳарда яшасалар-да, бойўғли уйи олдига келиб, тез-тез сайраб кетишини айтишади, аммо нимагалигини билишмайди.

Бир танишимнинг отаси нафас қисиш касали билан узоқ вақт ётиб қолдилар. Суриштириб билсам, у киши Сигир буржида туғилган экан. Мен “Отангиз ҳеч бойўғлини кўрганми?” десам, “Мени тўйимда бойўғли уйимиз томига қўниб сайраган, отам тош отиб қувлаган, кейин бир кун томга чиққанимизда шу бойўғли тош теккани учун жароҳат олиб, ўлганини билдик. Шундан сўнг отамнинг нафаслари қисиладиган бўлиб қолдилар ва шу касал билан вафот этдилар”, деди. Мен отанг Сигир буржида туғилган экан, бурж ҳақидаги китобларда бу ойдагиларни тумори бойўғли бўлиб, у шу ойда туғилганлар учун бахт тилаб сайрайди, аммо инсонлар буни тушунмай тош отадилар, дедим.

Мана, бир неча ўн йиллардирки, 21 апрел ва 21 май оралиғида туғилганларга бойўғлини қувмасдан, унга дон сочинглар, ушбу қуш сизларга Яратгандан бахт тилаб келади, деб насиҳат қиламан.

**Тўрамирза ДАДАМИРЗАЕВ,**
**меҳнат фахрийси, Наманган шаҳри**



# ЗАМОНАВИЙ ЛАТИФА

**(воқеий фельетон)**

Ичакузди ва тагдор аскиялар юрти — Фарғонада бўлганимда ҳамкасб дўстларим ўз таомилларига кўра, чойхонага таклиф қилишди. Аччиқ кўк чой билан девзиралик паловхонтўра паққос туширилгандан сўнг аскиянинг “ўчоғига ўт қаланди”. Беғубор ва самимий кулгулар зарбидан самоварлар қайнади. Айниқса, ошпаз Зикрилла ака силкиниб-силкиниб кулганида, сўрининг бир томони ерга аста кириб борар, узоқроқдан қараган кишига қийшайтириб кийилган дўппини эслатарди.

- Тилнинг суяги йўқда, ака. Ҳар қанақа бўлмағур иш шу қурғурнинг дастидан, - дея гап бошлади ўзини Қаҳрамон, дея таништирган акамиз. - Ўзингизга маълум, бизнинг эшигимизни кўргани келишса, “кўнгил учун ўлмоқ керак” дея иш тутамиз.

- Ҳақиқатан ҳам шундай. Аввало бу бизнинг ўзбекона лутфимиз бўлса ҳам, баъзида эса... - дея бироз ўйланиб қолди Қодир қассоб ва қашлагиси келмаган бўлса ҳам уч-тўрт еридан “ариқ” очиб чиқди. Сўнгра даврадагиларга бир воқеани айтишни латифадан бошлади:

Қишнинг энг қаҳратон кунида бир кишининг хонадонига узоқ танишининг дўсти меҳмон бўлиб келибди ва уч-тўрт кун ўтгач, кетаманга тушибди. Мезбоннинг “Ҳа, бир келиб қолибсиз, қолаверинг, қишда нима ишингиз ҳам бор” деган гапидан кейин яна бир ҳафта ётибди. “Энди мен борай, раҳмат” деб кетишга шайланган меҳмон отига минганида, яна мезбон гиналанган бўлиб “Бекор кетаяпсиз-да, бемалол гаплаша олмадик ҳам” дебди. Шунда меҳмон уй эгаси мендан астойдил хафа бўлаяпти, деб ўйлабди-да, шартта отдан тушиб, “Кечир дўстим, хафа бўлма, яна бир ҳафта қоламан, отни қаерга боғлай” деб сўрабди. Шўрлик дўсти нима қиларини-ю, нима деярини билмай, “Тилимга боғла, тилимга” деб жавоб берган экан.

Қўшнимнинг ўғли Хайрулла ҳам ана шундай тилидан илинганлардан бири. Унинг бугунги аҳволига ҳарқалай, меҳмондўстлиги сабаб эмас. Балки ҳаддан зиёд тилёғламалик, хушомадгўйлик орқасидан оқиб келаётган жарақ-жарақ пулларнинг домига берилганидадир.

Тошкентнинг обрўли институтини юмалоқ ёстиқ қилиб тугатиб келганига қарамай, яхшигина ишга жойлашди ҳам. Ҳамма бало унинг биринчи иш кунидан бошланди. “Энди ука, ёшсиз, кўринишингиздан қўлоёғи чаққон йигитга ўхшайсиз. Хўжайин билан келишаман, шу жамоада “қоққан қозиқ” бўламан десангиз, “хўп бўлади”дан нарига ўтманг. Ҳар куни хўжайин чақирса-чақирмаса, бир йўқлаб чиқишни канда қилманг, албатта қуруқ эмас. “Раҳмат хўжайин, борингизга шукур. Сизнинг марҳаматингиз билан мен ҳам оиламни тебратаяпман”, десангиз ошиғингиз олчи бўлади”, дея иш ўргатди унга катталар.

Шундай ҳам бўлди. Уч ойдан сўнг бўлим бошлиғи, етти ойдан кейин хўжайиннинг “штатсиз ўринбосари” лавозимини эгаллади. Бир йил ҳам ишламай, қора “Нексия” минди. Яшаб турган уйини тағ-туги билан текислаб, 20-30 чоғли усталар ишни баландлиги беш метрли пойдевор қўйишдан бошлашди. Биз қўшнилар унга ачиниб уйини бирданига бузиб чакки қилди-да, оиласи қаерда экан-а, десак, Қўқондан 5 хонали уй ҳам сотиб олишган экан. Майли, қандини урсин. Ҳасад эмас, ҳавас қилайлик, деб юргандик. Узоққа чўзилмади, ҳавасимиз ҳам.

Уларнинг ноқонуний қилмишларидан хабар топган милиция ходимлари хўжайин билан “суҳбатлашиб” ўтиришса, ногаҳон “штатсиз ўринбосар” кириб қолибди. Хушомадгўйликни роса онгини олган Хайрулла ҳар доимгидан-да аъло сайрай бошлабди:

- Ассалому алайкум, хўжайин. Борингизга шукур сизни. Меҳмонлар келишган экан-да, хуш келибсизлар. Хўжайинимнинг меҳмонлари учун бир чойхона мендан. Хўжайин, сиз айтган ишлар кўнгилдагидек ўтди. Сумкани келинойимга ташлаб келдим. “Клиентлар” билан ҳам “соққасини” келишиб қўйдим. Кечга яқин ўша жойга бемалол ўтаверасиз...

Даврада ўтирганлар бу сафар қаҳқаҳа отиб кулмади. Ошпаз ҳам бу гал қорнини салкиллатолмади. Замонавий латифани эшитганлар бошларини сарак-сарак қилишганича, лабларини ножўя бужмайтириб қўйишди, холос.

Ишқилиб, ана шундай заҳарханда кулгудан асрасин, дўстларим!

**Мирзараҳим МАМАЖОНОВ**

Табиатни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.



# ЯНГИ НАУЧНИЙ ИШ

## ёки “новий ўзбек”ларнинг современний муомаласи ҳақида

*Ярми ҳазил...*

Холодильникни очиб қарасам, зелень тугаб қолибди. Срочно бозорга бориш керак бўп қолди. Подъездга чиқсам, темно-синий полосатый кўйлак кийган қўшним турган экан.

- Қалайсиз, сосед? - деб сўрашдим.

- Ништяк-де, братан, - жавоб берди у. - Куда катим?

- Шу, озгина продукта керак эди, Алайскийга кетвомман, а может бирга бориб келармиз?

- Кейин сразу қайтамизми?

- Канешна!

- Ну, давай, кетдик унда.

Остановкагача пешком кетдик. А потом битта тачка ушладик. Вой-бу, бозордаги “шум”ни: “кеп қолинг свежий сметанага”, “иссиқ лепёшкалардан обкетинг!”, “Капустанинг асали бизда”, “Горячий пирожкадан еб кетинг!”.

Прилавкаларни айланиб, почти ҳамма нарсани олиб бўлдик, только чеснок билан перец қолди.

- Чеснок қанчадан, пахан? - бир чолдан сўради қўшним.

- 180 сўм, братишка, - жавоб берди отец-продавец.

- Мана 200 сўм, бир килони без сдачи қилворинг...

Бозорни законний қилиб, кейин уйга келиб телевизорда молодежний телеканалда “Даллас”ни кўриб ўтирсам, эшикнинг звоноги жиринглаб қолди. Очсам, яна ўша қўшним: “Узр, брат, бир звонить қилвосам”, деб сўраб қолди. “Пожалуйста”, дедим. Қўшним телефонда номерни набирать қилиб, гаплаша бошлади: “Алло, привет. Саримсоқ акам бормилар?... Йўқмилар? Қачон бўладилар? Хорошо. Пока”. Гапларини эшитиб, бир нарсага вникать қилолмадим ва ҳазиллашдим:

- Нега “Саримсоқ ака” дейсиз? По-моему “саримсоқ” - “чеснок”. Так что, “Чеснокжон ака” десангиз, тўғрироқ бўлади. И современно, и культурно.

- Действительно, - ўйлаб қолди у ҳам ва кулди: - Бунга вообще эътибор қилмаган эканман. “Дом совет”-из яхши ишлайди-да, братан!

Ўзим институтда старший научний сотрудник бўлиб ишлайман. Сосед чиқиб кетгач, ўзимга-ўзим “Эврика!” дедим-да, битта лист билан ручка олиб ёза бошладим:

Ўзрус тилининг пайдо бўлиши ва развитияси (научная работа).

“Ўзрус тили планетамиздаги новейший тиллардан бўлиб, ўзбек тили билан славянская языковая группадаги рус тилининг соединениесидан пайдо бўлган. Бу тилда сўзлашувчи основной аҳоли Тошкентда и наподобие баъзи крупный промишленный центрларимизда яшайди. Ну, например, Ангрен, Фергана, Наваи и так далее. Ўзрус тили 1960 йиллардан зачатка бера бошлаган бўлиб, процветаниеси 70-80-йилларга тўғри келади”.

Идеяларимни воодушевленно ёзиб ўтирсам, комнатамга внезапно кирган хотиним хаёлимни перебивать қилворди и автоматни очередига ўхшаб тариллаб кетди:

- Дадажониси, короче бугун эрталаб шла на работу, а йўл скользкий экан, йиқилиб тушдим-де, представляете? Кейин ишга бориш вообще не охота бўп турувди. “Поясницам оғрияпти”, деб баҳона қилиб поликлиникага бордим. Доктор назначение ёзиб берди. “Больничный ёзиб берақолинг” десам, “Ни в коем случае, незаконний иш қилмаймиз”, деди. Ладно, амбулаторний лечение олавераман, дедим.

- Ну что это такое? - нервничаться қилдим мен. - Бу ерда серьезный научный иш устида ўтирибман, сен бўлсанг ерундалар билан перебивать қиласан!

Столга ўтириб “чёрт побери” дедим-да, келган жойимдан ёза бошладим: “Ўзрус тилида сўзлашувчи населениени в основном городской новый ўзбеклар ташкил қилади. Да, новый ўзбеклар. А что, новый русскийлар бўлгандан кейин новый ўзбеклар ҳам бўлади-да!”

...Қарасам, научная статьям приличный газетный статья бўп қопти. Қайси редакцияга берсам экан, деб анча ўйладим. Русча изданеиларга берсам, уларни ўқийдиган русскоязычное население ўзрус тилини яхши тушунмаслиги и охир-оқибатда статьянинг сутига (молоко эмас — суть!) вникать қила олмаслиги мумкин.

Шунинг учун биринчи статьямни сизларга жўнатдим. Газетда чиқса, читателларимиз ўқишса, а может улардаям шу масалада бирор мнение туғилиб қолар.

Короче. Хатларингизни кутамиз.

**Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00

Навбатчи:
Б.ЭГАМҚУЛОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
М.БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел: 133-24-41
132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

